

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ
264–СОНЛИ
МАЖЛИСИ қарорлари

27 декабрь 2017 йил
Тошкент шаҳри
Қатнашдилар: Раис проф. Акилов Х.А.
Котиба – доц. Гулямова М.К.
Кенгаш аъзолари – 67 кишидан 59 киши

Кун тартиби

1. Президентнинг Конституция кунига бағишланган йиғилишдаги маърузасини ўрганиш.
Доц. Маматова Н.М.
2. Дерматовенерология ва эндокринология кафедраларининг ҳисоботи.
Кафедра мудирлари ва ишчи гуруҳи раисининг ахбороти.
3. Кам учрайдиган кардиологик касалликлар муаммоси. Проф.Тулабаева Г.М.
4. Турли масалалар.
КИХИ ва МИлар илмий иш мавзуларини тасдиқлаш.
Олимлар кенгаши таркибига узгартириш киритиш ҳақида.
Ишчи гуруҳини тайинлаш ҳақида
Услубий ҳужжатларни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар олимлар кенгаши аъзолари томонидан муҳокама қилиниб, қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

Олимлар кенгашининг биринчи масала юзасидан қарори: Президентнинг Конституция кунига бағишланган йиғилишдаги маърузаси ҳар бир кафедрада ўрганилсин.

Кафедралар мудирлари томонидан ушбу маърузанинг асосий бандлари цикл курсантлари орасида ўрганилсин.

Масъул: Кафедра мудирлари, клиник оординатура га масъул шахслар

Муддати: Укув йили давомида мунтазам

Назорат: Деканлар

Олимлар кенгашининг иккинчи масала юзасидан қарори:

1. Дерматовенерология ва косметология ҳамда эндокринология кафедраларининг ҳисоботлари қониқарли деб топилсин.
2. Ҳар иккала кафедрада масофавий таълим тизими такомиллаштирилсин.
Масъул: Кафедра мудирлари ва завучлар
Назорат: декан ва ўқув бўлими
Муддати: биринчи квартал ичида
3. Ўқув жараёнига хорижий ҳамкорларни жалб қилиш масалалари имкон қадар тезлаштирилсин.
Масъул: Кафедра мудирлари ва завучлар
Назорат: декан ва ўқув бўлими
Муддати: биринчи квартал ичида
4. Эндокринология кафедрасида меъёрий папкалар сони камайтирилсин.
Масъул: Кафедра мудирлари ва завучлар
Назорат: декан ва ўқув бўлими

Муддати: бир ой ичида

5. Рейтинг тизими икки хафтада яқунлансин ва тасдиқлансин.

Олимлар кенгашининг қарори: Республикамизда Инновацион ривожланиш маркази ташкиллаштирилганлиги ҳақидаги ахборот қабул қилинсин.

Турли масалалар.

1. Проф.Акилов Х.А.Декабрь ойидаги Олимлар кенгашида гематология ва гастроэнтерология кафедраларининг ҳисоботи тингланади. Уларнинг фаолиятини текшириш учун куйидаги таркибда ишчи гуруҳи тайинланди:

Раис: Проф.Зарединов Д.А.,Каримова Ф.Д.,доц.Хамраева Г.Ш. Шигаева Ф.Ф., Каюмов А.А., Гаффарова Ф.М. тайинланди.

Олимлар кенгаши қарори: Юқоридаги таркибдаги ишчи гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

2. Олимлар кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

Олимлар кенгаши котибаси сўз олди ва кенгаш таркибига куйидаги ўзгартириш киритилиши ҳақида гапирди:

Кенгаш таркибига педиатрия факультети декани этиб тайинланган доц.Саидазизова Ш.Х. киритилсин.

Олимлар кенгашининг қарори: доц. Саидазизова Ш.Х кенгаш таркибига киритилсин.Таркиб 68 киши деб белгилансин.

3. ТВМОИ докторантлари ва мустақил изланувчиларнинг илмий ишларининг мавзуларини муҳокамаси ва шахсий режаларини тасдиқлаш.

Олимлар кенгаши қарори: 2018йилга реалаштирилган окторант ва мустақил изланчиларнинг диссертация илмий мавзулари тасдиқлансин .

Олимлар кенгаши раиси,

проф.Акилов Х.А.

Олимлар кенгаши котибаси:

доц.Гулямова М.К.